Истиқлол байрамингиз муборак бўлсин!



Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2008-yil
1-sentabr
108-109 (2522)

Бугунги салоҳиятимиз ва имкониятларимиз мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаги ҳолатдан ер билан осмонча фарқ қилади. Бугун бизнинг вазнимиз ва салмоғимиз ҳам, қуч-қудратимиз ҳам янада ошиб, Ватанимиз олдида янги уфқлар ва имкониятлар очилмоқда.
Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошларим, юртдошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун кўпмиллатли халқимиз мустақил Ватанимизнинг 17 йиллик қутлуғ тўйини баланд руҳ ва катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Мана шу барчамиз учун энг улуғ, энг азиз истиқлолимиз байрами билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбдан табриклаш менга насиб этганидан чексиз бахтиёрман.

Қадрли дўстлар!

Биз бугун ўтган йиллар мобайнида босиб ўтган тараққиёт йўлимизни холисона баҳолар эканмиз, эски мафкуравий тизим ва ғояларидан бутунлай воз кечиб, янги ҳаёт барпо этиш йўлида қўлга киритган, дунё аҳли тан олаётган юксак марра ва ютуқларимизни барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлаши табиийдир.

Мустақилликка эришгандан кейин амалга оширган кенг кўламли ишларимиз, биз мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан қуришга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини мутлақо ўзгартириб юборган том маънодаги тарихий ўзгаришлар ва ҳаётнинг ўзи, ҳақиқатан ҳам, биз бундан 17 йил олдин қабул қилган миллий тараққиёт стратегияси яккаю ягона тўғри йўл эканини яққол тасдиқлаб бермоқда.

Мана шу ўта оғир ва мураккаб йўлда қанча-қанча синовлардан ўтиб, қийинчилик ва машаққатларни бошимиздан кечириб, аввало меҳнаткаш халқимизнинг мустаҳкам иродаси, қатъияти ва фидойилиги эвазига амалга оширган ишларимизнинг ҳосилини бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида, ҳар қайси ҳудуд ва минтақамизда кўрмоқдамиз.

Бунинг тасдиғини, айниқса, мустақил тараққиёт йўлимизнинг кейинги бешетти йиллик даврида қўлга киритган юксак марраларимиз мисолида кузатиш қийин эмас.

Фақатгина охирги беш йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиш даражаси 48 фоизни, йилига эса ўртача 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани, аҳолининг реал даромадлари икки карра, ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига ҳисоблаганда икки ярим марта ортгани мамлакатимиз барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

2007 йилда ўртача ойлик иш ҳақи 1,5 марта кўпайди, жорий 2008 йилда ҳам маошларимизнинг ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан кам бўлмайди, иншоолло.

Ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган бундай ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда аниқ мақсад билан, изчил олиб борилаётган, чуқур ўйланган ислоҳотларни жорий этиш ва маънавий ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган сиёсатнинг амалий ифодаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу борада таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва маърифат, баркамол авлодни вояга етказиш каби муҳим соҳаларга алоҳида эътибор бераётганимизни қайд этиш зарур.

Бугун диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлган инсонларни эътиборсиз қолдирмаслик, муҳтарам фахрийларимизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш каби инсонпарварлик руҳида олиб бораётган эзгу ишларимиз давлат сиёсатимизнинг узвий бир қисмига айланиб кетганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда ёшларимизга кенг йўл очиб бериш, шу борада 2008 йилга «Ёшлар йили» деб ном беришимиз, ҳаётга кириб келаётган навқирон авлодимизнинг билим ва тажриба эгаллаши, жамиятда муносиб ўрин топиши, ёш оилаларнинг оёққа туриши учун ҳар томонлама ёрдам бериш – буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, бугун биз қураётган янги ҳаётнинг илдиз ва пойдеворини янада мустаҳкамлашга замин яратмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун юртимизда амалга оширган улкан ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, айни пайтда олдимизга қўйган улуғ мақсадларимизга, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига етиш учун ҳали белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишимиз зарурлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Мана шу кўзлаган юксак марраларимизга етиб бориш, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан қараб яшаш учун бизда барча асослар бор.

Биринчидан, бизнинг мамлакатимиз, халқимиз ўтган давр мобайнида оғир синов ва қийинчиликларда тобланди, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтишда анча тажриба орттирди. Айтиш мумкинки, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини қуриб олдик.

Бугунги салоҳиятимиз ва имкониятларимиз мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаги ҳолатдан ер билан осмонча фарқ қилади. Бугун бизнинг вазнимиз ва салмоғимиз ҳам, қуч-қудратимиз ҳам янада ошиб, Ватанимиз олдида янги уфқлар ва имкониятлар очилмоқда.

Иккинчидан, эртанги кунга ишончимиз кучайиб бораётганининг яна бир муҳим омили шундаки, бизнинг ўз олдимизга қўйган марра ва режаларимиз аниқ ва равшан.

Бу режалар аввало бой имкониятларимиз ва салоҳиятимизга таяниб, бошлаган ва амалда ўзини оқлаган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва босқичма-босқич давом эттириш, халқаро илғор тажриба ва ютуқлардан фойдаланиб, мамлакатимизни модернизация қилиш, иқтисодиётимизни барқарор ўсиш суръатлари билан ривожлантиришдек юксак мақсадларимизни амалга оширишга қаратилган.

Учинчидан, ёруғ келажагимизни таъминлашнинг муҳим шарти ва гарови ҳаётимизнинг барча жабҳаларини – бу сиёсий ёки иқтисодий соҳа бўладими, ижтимоий ҳаёт ёки суд-ҳуқуқ тизими бўладими – буларнинг барчасини янада такомиллаштириш, аҳолимизнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини кучайтириш, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш, ижтимоий ва нодавлат ташкилотларнинг мавқеи ва таъсирини ошириш, бир сўз билан айтганда, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишга эришишдан иборатдир. Бугунги кунда бу масала энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тўртинчидан, олдимизда турган улкан марраларни эгаллашнинг энг асосий мезони – бу халқимизнинг бақувват иммон-эътиқоди, тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабати тубдан ўзгараётгани, ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганида намоён бўлмоқда.

Айниқса, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётган, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида тарбия олаётган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол ёш авлодимиз тимсолида бу ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда.

Маълумки, Шарқда азалазалдан 17 ёш балоғат ва етуклик рамзи ҳисобланади. Истиқлолимизнинг биринчи йилида туғилган фарзандларимиз бугун умрнинг ана шундай гўзал ва беғубор фаслига қадам қўймоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ўн етти ёшга тўлган навқирон ўғил-қизларимизнинг сони олти юз етмиш уч минг кишини ташкил этмоқда.

Улар ва уларнинг қаторида охирги ўн йил давомида бутунлай янгитдан қурилган мактаб, лицей ва коллежларни тугатиб, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, қалби, юраги шижоат ва жўшқинлик билан тўлган миллионлаб ёшларимизнинг ҳаётга катта умид ва ишонч билан кириб келаётгани барчамизнинг кўнглимизни тоғдек кўтаради.

Ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, бундай қудратли тўлқин, бундай катта бойликка эга бўлган юртни енгиб бўладими!

Бешинчидан, биз бугун барча эзгу орзу-интилишларимизни, ҳаётий режаларимизни амалга оширишда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш, халқаро майдонда ўзимизга munosib обрў-эътибор ва ишонч қозонишни яна бир муҳим омил, деб биламиз.

Бизга елкадош бўлиб, халқимизнинг салоҳияти ва эртанги кунига ишонч билдирган хорижий ҳамкорларимиз билан ҳар томонлама амалий алоқаларни кенгайтириш учун ҳаракатларимизни давом эттирамиз.

Бу борада биз ўзаро манфаатларга жавоб берадиган, минтақамизда ва бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган муносабатларни ривожлантириш, барча можароларни тинч йўл билан ечишга ўз ҳиссамизни қўшиш, шу аснода ўз фаоллигимизни янада оширишни устувор вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг элчиларини, муҳтарам меҳмонларимизни, бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган барча чет эллик дўсту биродарларимиз ва ҳамкорларимизни эл-юртимиз номидан қутлаб, уларга самимий тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Биз бундан 17 йил муқаддам дунёда ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, фаровон ҳаёт қурамиз, деб азму қарор қилдик.

Шу мақсадда истиқлол йўлини, мустақиллик йўлини танладик. Бу йўлдан қатъий бормоқдамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз!

Бугун мен мана шу юксак минбарда туриб, шу буюк мақсад сари собит-қадамлик билан бораётган, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, қалбимда бўлган энг эзгу туйғуларимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

МУСТАҚИЛЛИК – БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Истиқлолимизнинг 17 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

Бундан ўн етти йил илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди. Жаҳон жамоатчилиги Марказий Осиё минтақасида улуғ аждодлари ва буюк мутафаккирлари башарият цивилизацияси, илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга мамлакат ва халқ борлигидан ҳамда дунё сиёсий харитасида янги мустақил давлат пайдо бўлганидан хабар топди.

Бугун халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами – Мустақиллигимизнинг ўн етти йиллигини кенг нишонламоқда. Жорий йилда ушбу қутлуғ айём бутун мамлакатимиз бўйлаб «Мустақиллик – бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» деган эзгу ғоя асосида тантана қилинаётгани бежиз эмас. Зеро, бу ғўзал байрам юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор бағишлайди.

Мана шу шукуҳли дамларда ҳар биримиз Истиқлол байрамининг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг жамики ватандошларимиз ҳаётида тутган ўрнини, ўтган аср сўнгида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар сарчашмаси бўлганини янада теран англаймиз.

Мустақиллик – халқимизнинг кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғидир. Мустақиллик – озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Мустақиллик – халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш имконини бергани, инсоннинг барча соҳада истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб келаётгани билан қадрлидир.

2008 йил, 31 август. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан шукуҳли, ғўзал, салобатли. Бу йил байрами бадиий жиҳатдан янада юксак савияда нишонлаш мақсадида боғ ва улкан майдон фусункор тарзда безатилган. Саҳна атрофида аввалги иккита мониторга қўшимча равишда яна бир улкан экран ўрнатилган. Ранго-ранг байроқчалар ва пневмо-фигуралар, мато-гулханлар ва пневмо-фигуралар, ёнар шарлар, янги турдаги безак-ёритгичлар боғ теграсидаги ям-яшил арчалар, мажнунтоллару алвон гуллар билан ажиб бир уйғунлик касб этган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият, санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн етти йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Майдон узра таралаётган куй ва қўшиқ таъсирида кўз ўнгимизда истиқлолнинг ўн етти йили бирма-бир гавдаланади. Бундан ўн етти йил муқаддам мустақилликка эришган, ўзлигини англаб, мамлакатимизнинг беқиёс бойлик ва имкониятларидан фойдаланишга эга бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан қатъият билан илгарилаб бормоқда. Ўзбекистонимиз ўтган давр мобайнида неча юз йилликларга тенг тарихий йўлни босиб ўтди.

Ҳеч шубҳасиз, бу йиллар, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланажак.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланди. Бу йўлдаги босқичма-босқич ва изчил одимларимиз ўзининг улкан самараларини бермоқда.

Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари устунлиги конституциявий асосда эътироф этилади. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича олтмишдан зиёд халқаро ҳужжатни ратификация қилган.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу борада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларини ҳаётимизга теран татбиқ этиш йўлида изчил ва тизимли ишлар йўлга қўйилгани айниқса эътиборга сазовор.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов томонидан шу йил 1 май куни имзоланган фармонга мувофиқ, юртимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга бағишланган давлат дастури амалга оширилаётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Ана шу каби муҳим қонунлар, фармон ва қарорлар, амалий чора-тадбирлар барча соҳаларда теран ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишга қаратилган «Ўзбек модели»нинг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига изчил амал қилинаётганини тўла тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда)



УНИ БАХТ ЭШИГИГА ЭГАТЛАР ОЛИБ КЕЛДИ

Сурхонда офтоб чарақлайди. Унга боқиб ангорлик фермер Исохон Баҳромовнинг кўзлари қувонади, даласидаги ҳосил чўғини чамалайди. Пайкални оралаб бораркан, устози А.Раҳмоновнинг насиҳатини эслади:

— Меҳнат қилган кам бўлмайди, сени бахт эшигига эгатлар олиб боради.

Бу сўзлар замирида чуқур маъно борлигини тушуниб кам бўлмади. «Таллимаржон» ширкат хўжалигида ишчи, механизатор, бригадир бўлиб, яхши одамлар ёрдамида мўл ҳосил етиштириб обрў қозонди. У доим хўжаликнинг қолоқ бригадаларига етакчи этиб тайинланарди. Раҳбариятга мутлақо эътироз билдирмас, аксинча, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, жамоани илғорлар сафига олиб чиқарди.

Юртмиз мустақилликка эришгач, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошланганида Исохон Баҳромов биринчилар қатори «Саидносирхон» фермер хўжалигини тузиб, оила аъзолари, қариндошлари билан ғайрат камарини боғлаб, ишга киришди. Ўша йили 132 гектар ерда ғалла ва пахта етиштиришга жазм этди. Сурхондарёнинг ўзига хос шароити бор. Мўл ҳосил олиш учун агротехник тадбирларни вақтида амалга ошириш зарур. Фидокорона меҳнат дастлабки йилдаёқ самара берди. Ўша йили фермер 15 нафар ишчининг ҳар бирига 3 тоннадан буғдой тарқатди.

(Давоми 2-бетда)

Эрта тонг. Қуёшнинг заррин нурлари олам қучоғига сингиб бораётган палла. Андижон-Наманган магистрал йўлининг равонлиги ҳайдовчилар кўнглига ғайрат бахш этаётгандек.

Сиёсатхон

Олтинкўлдан чиқавершдаги йўл ёқасида жойлашган «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалиги шийпони ҳар қачонгидан гавжум. Ҳамманинг кайфияти аъло. Гулдаста кўтарган аёллар биринкетин келиб, бошига юпқа рўмол ўраган, эгнига оддий кўйлак, оёғига ялтираган кирза этик кийиб олган онахонни табриклаш билан банд.

Ахир қувонмай бўладими?! Оддий фермер Сиёсатхон Абдуллаевага куни кеча давлатимизнинг энг юксак мукофоти — Ўзбекистон қаҳрамони унвони берилгани эълон қилинди.

(Давоми 2-бетда)

ИНСОН ҚАДРИ ОЛТИНДАН БАЛАНД

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўзбекона қадриятларимизнинг илдиз отишига кенг йўл очилди.



Халқимизда «Дарахт бир жойда кўкаради» деган нақл бор. Дарҳақиқат, мен ҳам касб дастидан маҳкам тутиб, кам бўлмаётганлигим қувончини бугун сиз билан баҳам кўрмоқчиман.

Бухоро вилоятининг Жондор тумани Арабхона қишлоғида колхозчи оиласида таваллуд топганман. Ўрта мактабни тугатгач, Навоий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон шаҳридаги Марказий кон бошқармасига қарашли 2-гидрометаллургия заводига чилангар бўлиб ишга кирдим.

(Давоми 2-бетда)

УНИ БАХТ ЭШИГИГА ЭГАТЛАР ОЛИБ КЕЛДИ

(Боши 1-бетда)

Ҳар йили «Саидносирхон» фермер хўжалиги барча соҳаларда шартномани ошириб адо этиб келмоқда. Фойда ҳисобидан «Олтой», Т-28 каби ўнлаб техникани сотиб олди.

Моҳир пахтакор Исохон Баҳромовнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланмоқда. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвони билан тақдирланган.

— Сира эсимдан чиқмайди, — дейди фермер. — 2004 йил октябр ойи эди. Қуёш Кўхитанг тоғлари ортига бош



қўяётган пайт эди. Даламиз катта трасса бўйида бўлгани боис кенг йўлдаги йўловчи ва транспортлар кўриниб туради. Бир пайт автомобиллар кортежи кўринди-да, биз турган дала ёқасида тўхтади. Машинадан Президентимиз Ислом Каримов тушиб эгатлар оралаб биз томон келаверди. У кишига пешвоз чиқдик. Салом-алик ва ҳорма-бор бўлдан кейин у киши биз билан суҳбатлашди. Инсон манфаати ҳар нарсадан устун туришини хоҳлаган юртбошимиз иш шароитимиздан тортиб уй шароитимизгача ҳар биримиздан сўраб чиқди. Қайтар чоғида энг қадрли совғаси — «Дамас» машинасининг калитини топширди. Юртбошимизнинг даламизга келганлиги ишчиларимизни ғоят руҳлантирди.

1995 йилдан буён 214 гектар ернинг жавобгарлигини зиммасига олган фермер эртага, индинга нима ишлар қилиши ҳақида ўйлайди. Бу йил 95,4 гектар майдонга ғалла экиб, ҳар гектар ердан 73 центнердан дон олди.

— Қўли очиқнинг йўли очиқ деган мақол бежиз айтилмаган, — дейди агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Ангор туман вакиллиги ходими Эсон Мардонов. — Исохон Баҳромов юксак маънавиятли, самимий инсон. Бу йил 800 тоннага яқин буғдой етиштирди. Натижада «Гулистон» МФЙ ҳудудида яшовчи ўндан ортиқ ногирон болага 500 килодан ғалла улашди, кам таъминланган оилалар, Бойсундаги 12-меҳрибонлик уйига саховат кўрсатди. Ишнинг кўзини биладиган фермер ҳар йили деҳқончиликдан катта фойда олади. Унинг ташаббуси билан ҳар йили тумандаги яроқсиз бўлиб қолган кўчаларга тош тўкилиб асфалт ётқизилади. 9- мактабнинг ҳар бир синфи учун биттадан стипендия жорий қилган. Аълочи ўқувчиларни рағбатлантиради.

Қайтар чоғимизда Исохон ака шундай деб қолди:

— Ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта олишни чамалаб турибман. Қишлоқ аҳолисига сув, газ қувурларини тортиб беришда ёрдам бермоқчимиз.

Мустақиллик тафаккур ва тақдиримизни ўзгартириб юборди. Фикрлаш, ишлаш, юрт ва рўзғорни обод қилиш имконини берди. Эл-юртнинг олқишини олиб кам бўлмаяпмиз.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Сиёсатхон

(Боши 1-бетда)

— Катта набирам Элёрбекни уйлантириш учун тўй бошлагандик. Кўрпа қавиб ўтирган эдим. Бир пайт телевизорда эълон қилиб қолишса бўладими? Чинакамига-я, менга-я деб ҳеч ишонолмайман! — дейди опа. — Қўшалоқ тўй бўлиб кетди. Хурсандчиликдан бошим осмонга етди. Ким ҳалол меҳнат қилса, албатта қадр топишига яна бир карра амин бўлдим. Арзимас меҳнатларимни улуғлагани учун юртбошимиздан миннатдорман.

Бу йил Сиёсатхон опа бошчилик қилаётган фермер хўжалиги учун жуда омадли келди. Ғалладан 63 центнердан ҳосил олинди. Фермер хўжалиги вилоятда энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. «Олтин фермер» танловида ғолиб чиқиб, «Нексия» автомобили билан тақдирланди. Даромадга қараб буромад деганларидек, 26 млн. сўмга трактор сотиб олишди. Энг қувонарлиси — онахоннинг тўрт набираси олий ўқув юртига ўқишга кирди. Далаларда пахта ҳосилининг чўғи баланд. Бу муваффақиятларнинг барчаси Сиёсатхон опанинг узоқ йиллик заҳматли меҳнатлари самарасидир.

Сиёсатхон Абдуллаева 1940 йили Олтинкўл туманида пахтакор Ҳамроқул ота оиласида таваллуд топди. Мактабни битириб, отасидан пахтачилик сирларини ўрганди. 1972 йили Андижон пахтачилик институтига сиртдан ўқишга



кирди. Шундан сўнг қарийб 30 йил мобайнида бригада бошлиғи бўлиб ишлади. «Дўстлик», «Меҳнат шуҳрати» орденлари билан тақдирланди.

Сиёсатхон опа зиёли оиланинг бекаси. Турмуш ўртоғи раҳматли Толибжон ака билан уч ўғил ва икки қизни оқ ювиб-оқ таради. Фарзандларининг ҳаммасини олий маълумотли қилди. Катта ўғли Ғолибжон ака «Андижоннома» газетасида катта мухбир, кейингиси Ойбек — пахтачилик институтини битирган, қизи Гулнаҳор — вилоят бош педиатри, у отасининг касбини танлаган. Нурбек — агроном, фермер хўжалигида иш юритувчи. Фарзандларнинг кенжаси Гулшаной — ўқитувчи. Сиёсатхон опа 14 нафар набиранинг суюкли бувиси.

— Меҳнат қилган кам бўлмас экан. Бу ютуқларимда устозларим Х.Эргашева, Т.Ҳожиқосимова, Қ.Нишоновларнинг ўгитлари асқотди. Мен улардан кўп нарсани ўрганганман, — дейди опа.

Тушга яқин шийпон янада гавжумлашди. Ҳамма дуога қўл очиб, юртга тинчлик тилайди. Қайтар чоғимизда сояда турган «Нексия»ни кўрсатиб опа шундай дейди:

— Янги келиннинг қадами хуш келди-ёв! Қўшалоқ тўй бўлаяпти. Илоҳим, шундай бўлсин!

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

ИНСОН ҚАДРИ ОЛТИНДАН БАЛАНД

(Боши 1-бетда)

Бухоро вилоятининг Жондор тумани Арабхона қишлоғида колхозчи оиласида таваллуд топганман. Ўрта мактабни тугатгач, Навоий конметаллургия комбинатининг Зарафшон шаҳридаги Марказий кон бошқармасига қарашли 2-гидрометаллургия заводига чилангар бўлиб ишга кирдим.

Жамоамиз кўп миллатли бўлишига қарамай, ниҳоятда аҳил. Айнан шу заводда машина ҳайдовчиси, қуюқлаштириш цехи устаси ва ниҳоят цех бўлим бошлиғи бўлиб ишладим. Бу орада эса Тошкент политехника институтини ҳам муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича тугалладим. Хуллас, жамоам қай бир вазифани топширмасин, уни сидқидилдан адо этишга интилдим.

Камтарона меҳнатларим туфайли барча қаторида доимо қадр топиб келаяпман. «Меҳнат шуҳрати» ордени ва қатор фахрий ёрлиқлар бебаҳо рағбат сифатида касбга садоқатимни ошириб келарди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида эса «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий мукофотга айнан менинг номзодимни маъқул кўришибди. Меҳнатимнинг бу қадар юксак баҳоланиши мени ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Инсон қадри баланд юртда яшаётганимдан бахтиёрман.

Фарҳод СОЙИБОВ,
Ўзбекистон қаҳрамони

МУСТАҚИЛЛИК – БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Истиқлолимизнинг 17 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

(Боши 1-бетда)

...Майдонда таралаётган қўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Истиқлол йиллари буюк давлат барпо этишдек эзгу мақсад йўлида эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, беқиёс имкониятлар билан халқимиз фахрланса, қувонса ва ўз шодлигини дўстлар билан, бутун дунё билан баҳам кўрса арзийди.

Қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи яхлит суд ҳокимияти тизими шакллантирилди ва уни янада такомиллаштириш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, бошқа шу каби фуқаролик ва жамоатчилик институтларини шакллантириш мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, тараққиётимизнинг стратегик мақсадии – "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" ғоясини рўёбга чиқариш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

...Саҳнада янграётган шеър ва қўшиқларда, рақс ва яллаларда халқимизга хос кўтаринки кайфият, юксак ишонч ва ифтихор, мамнунлик, бахтиёрлик ва шукроналик туйғулари баралла акс этади...

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, техник ва технологик янгилашга доир мақсадли комплекс дастурларни бажариш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ўсиши изчил таъминланмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 9,3 фоизга кўпайгани алоҳида эътиборга сазовордир. Ўзлаштирилган инвестициялар миқдорини 19,8 фоизга оширишни таъминлаган фаол инвестиция сиёсати ва қулай инвестиция муҳити иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда муҳим омил бўлди.

Республикамизда ўтган қисқа даврда мутлақо янги ва замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилди, минглаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўз навбатида, Маҳаллийлаштириш дастури импортни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Ҳозирги кунда қанчадан-қанча рақобатбардош маҳсулотларимиз «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиқ билан дунё бозорларини забт этмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида "Помиқ" компрессор станцияси, "Нексия-2" енгил автомобилининг янги моделини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, "Жиззах пластмасса" очиқ акциядорлик жамиятида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш, «Қувасой қурилиш» масъулияти чекланган жамиятида шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, «Тагус текстил», «Пойтуғтекс», «Сиркежи Тошкент текстил» қўшма корхоналари, «Асака текстил», «Сурхон текс», «Навбаҳор текс», «Риштон текстил» тўқимачилик корхоналари ва бошқа инвестиция лойиҳалари ниҳоясига етказилди. Енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,8 фоизга ошди.

Шу йилнинг дастлабки олти ойида 185 йирик ва кичик ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан озиқ-овқат саноатида 75 макарон, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш объекти ишга туширилгани бу борадаги ишлар нечоғли жадал бораётганининг ўзига хос ифодасидир.

Кўнглида шукронаси бор одам унинг мукофотига албатта мушарраф бўлади. Бундай эзгу фазилат бутун бир халққа хос хусусият бўлса, ризқи бутунлик, толеи баландлик бу халқни ҳеч қачон тарк этмайди. Биз ана шундай халқмиз, дея ҳақли равишда фахрлана оламиз. Бозорларимиз, дастурхонимизнинг тўкинлиги шундан.

Бу йил табиат инжиқликларига қарамай боғбонларимизнинг пешона тери туфайли мева-чева мўл-кўл бўлди. Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд улкан ғалла хирмони бунёд этилди.

Аҳоли бандлиги даражасини кўтаришнинг энг муҳим йўналиши бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш доимий эътиборда. Айниқса, ахборот технологияларидан фойдаланиш, молиявий капитални тўплаш ва кредит-тўлов тизимини ривожлантиришни кучайтиришга асосланган, шунингдек, истеъмол хусусиятига эга хизмат турлари жадал ривожланмоқда.

Бу, ўз навбатида, халқимизнинг ҳаёти янада фаровонлашувига олиб келмоқда. Юртимизда иш ҳақини кўпайтириш, бандликни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг реал пул даромадлари 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоиз, ўртача номинал иш ҳақи 51 фоиз, ўртача пенсия миқдори 76,1 фоиз ўсгани ҳам шундан далолатдир.

Дарвоқе, жаҳоннинг нуфузли молия ташкилоти – Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Ижрочи директорлари кенгашининг 2008 йил 14 июлда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожлантиришнинг юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни изчил мустаҳкамлаш ва муваффақиятли амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларда ўз ифодасини топаётган натижалари юксак баҳоланди.

Бу ютуқларимиз замирида, аввало, тинчлик ва барқарорлик, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидаги дадил одимлари, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг фидокорона, ҳалол меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти ва қудрати, юртдошларимизнинг Ватанга садоқати, ёруғ истиқболга ишончи мужассам.

...Кўнгилларга ўктамлик бағишловчи мусиқага ҳамоҳанг рақслар қанотида бунёдкор эл қураётган озод ва обод Ватан манзаралари кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Мана шу шукуҳли айёмда юртимиз озодлиги ва истиқлолини юз йиллар давомида орзу қилиб ўтган, шу йўлда қанчадан-қанча қурбонлар берган ота-боболаримизнинг руҳлари шод бўлмоқда. Мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз, қатағон қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига эҳтиром сифатида бунёд этилган ёдгорлик мажмуи бугун янада кўркам ва маҳобатли қиёфа касб этди. Музейнинг қўшимча биноси қурилиб, экспозицияси тубдан янгиланган ва бойитилган ҳолда зиёратчилар эътиборига ҳавола этилгани халқимиз кўнглидаги иш бўлди.

Юртимизда халқаро андозалар даражасидаги кенг ва равон йўллар, йўл ўтказгичлар, маҳобатли кўприк ҳамда транспорт боғламалари кўпайиб бораётир. Истиқлол йиллари янги қурилган ва реконструкция қилинган йўлларнинг умумий ҳажми 3200 километрдан ошди. Ҳар йили ўртача 220 километр йўл янгидан қурилмоқда ва реконструкция қилинмоқда, 400-450 километри тўла, 1500 километрга яқини ўрта таъмирдан чиқмоқда.

...Байрам дастури орқали ифода этилаётган истиқлол йилларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизга боқиб, ана шундай бунёдкор халқ яшайдиган юртнинг келажаги шубҳасиз буюкдир, деган қатъий ишонч янада мустаҳкамланади.

Мустақиллигимизнинг ўн еттинчи йили Ёшлар йили деб эълон қилингани замирида чуқур маъно-мазмун мавжуд. Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида биринчи ярим йилликда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир тадбирларни молиялаштиришга 702 миллиард сўм маблағ ажратилгани, ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, уларни реконструкция қилиш ва қуриш учун 17,1 миллиард сўм ипотека кредитлари берилгани бу борада эришилган навбатдаги қувонарли натижалардир.

Йигит-қизларимизнинг пухта таълим ва тарбия олиши, интеллектуал даражасини юксалтиришига кўмаклашиш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури талаблари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўтган йиллари мактаб ўқитувчилари, махсус таълим тизими мутахассислари, педагог ва тарбиячилар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, муносиб рағбатлантиришга эътибор янада кучайган бўлса, яқинда касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини жорий этишга киришилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 9 апрелда қабул қилинган «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори мазкур етакчи олий ўқув даргоҳининг ёшлар интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, юртимиз илм-фани ва маданияти, замонавий таълим тизимини ривожлантириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, йигит-қизларимизни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги беқиёс ўрни ва улкан ҳиссасининг юксак эътирофи бўлди.

Халқимиз истеъдодли, санъатсевар. Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидламоқ лозим.

Бинобарин, буларнинг барчаси мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида навқирон авлодни, ёш оилаларни нафақат моддий-молиявий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самараларидир.

...Саҳнада саф тортган «Янги авлод» танлови совриндорларини, улуғвор байрамнинг тантанавор руҳига ҳамоҳанг бўлиб, ўзгача файз ва тароват бахш этиб куйлаётган ва шўх-шан рақс тушаётган Истиқлол тенгдошларини олқишлар эканмиз, қалбларимизда яна бир бор бетакрор Ватанимиз, унинг келажакка интилаётган иқтидорли йигит-қизлари билан фахрланиш туйғулари жўш уради.

...Даврага болалар чиқадилар. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган беғубор авлодга боқиб дилингиз яйрайди. Қувноқ ва сергавқ ўғил-қизларимиз ўзларининг бахтли болаликни мадҳ этувчи қўшиқлари, шўхчан рақслари билан қалбларимизда умид ва ишонч уйғотади.

Соғлом зурриёд – баркамол авлод ва соғлом миллат асоси. Бугун балоғат ёшидаги болаларимизнинг бўйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4-8 килограммга ортгани, кўкрак қафасининг эса 6-8 сантиметрга кенгайгани кузатилмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик даврида медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва умуман, соғлом зурриёдни, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий ишларимиз ижобий натижалар бераётгани, униб-ўсиб келаётган ёш авлод жисмоний ва маънавий нуқтаи назардан соғлом шароитда ҳаётга қадам қўяётганининг ёрқин далилидир.

Юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Аҳолига бепул шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғи, энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар ташкил этилиши бу босқичнинг самарали натижаларидан бўлди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди – замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти бунёд этилди.

Мустақилликнинг дастлабки давриданоқ ўз олдимизга қўйган эзгу орзу-ниятларимизга, буюк мақсад-муддаоларимизга етиш, айни пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи – миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Ўзбекистон спортчиларининг яқинда Хитой Халқ Республикаси пойтахти – Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпия ўйинларидан медаллар билан қайтгани мисолида тарихнинг – томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади, деган ҳақиқати ўз исботини топди.

Майдонга республика спорт мактаби ўқувчилари, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада ҳамда Пекин Олимпиадаси ғолиблари ва совриндорлари кириб келади. Мамлакат миқёсидаги беллашувларда ва нуфузли халқаро мусобақаларда ёрқин ғалабалари билан эл-юртимиз эътиборини қозонган, Ватанимизни шуҳратини тараннум этган музаффар спортчиларимизни байрам аҳли қизғин қутлайди.

Ана шундай кезларда Мустақиллик нечоғли буюк неъмат эканини, Истиқлолимизни асраб-авайлаш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиз эканини ҳар биримиз теран англаймиз.

...Майдонда ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага сафсаф бўлиб шаҳдам ва собит қадамлар билан Ватан посбонлари кириб келадилар.

Ўзини Ватан ҳимоясидек олижаноб ва шарафли ишга бағишлаган ҳарбий хизматчиларнинг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама қадрлаш, уларга давлат ва жамиятимиз томонидан доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришнинг асосий шарти ва гаровидир.

...Байрам наволари, куй-қўшиқлар авжга чиқади. Саҳнада миллий либослардаги қизлар намоён бўлади. Мамлакатимизда истиқлолимиз пойдеворини мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган умидбахш ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида хотин-қизларимизнинг улуши йил сайин ошиб бормоқда. Бугунги кунда хотин-қизларни ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, спортга жалб этиш, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги фаоллигини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

...Мустақиллик йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётгани ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

Миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ва қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғилон каби шаҳарларимизнинг қутлуғ тўйлари халқаро миқёсда нишонлангани бунинг яққол далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борада амалга ошираётган эзгу ишларимиз изчил ва бардавом эканини яна бир бор тасдиқлади.

...Майдон узра турли миллат қўшиқлари жаранглайди. Ўзбекистон — кўпмиллатли мамлакат. Зеро, шу азиз Ватан – барчамизники. Бу заминда асрлар мобайнида ўнлаб миллат ва элат вакиллари қўлни-қўлга бериб, елкама-елка яшаб келмоқда. Юртимизда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик муҳити ҳукмрон. Республикамизда кишиларнинг диний ва миллий мансублигидан қатъи назар, барча билан бирдек бағрикенглик асосида муносабатда бўлиши, оқибатлилик, тинчликсеварлик, очиқлик ва саховатпешалик сингари халқимизга хос фазилатлар мужассамлиги туфайли 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб, ягона мақсад – юрт тинчлиги ва Ватан тараққиёти йўлида ҳалол меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон кўплаб халқаро ташкилотлар ва жаҳон давлатлари билан кенг кўламли ҳамкорликни амалга оширмоқда. Шу тариқа юртимиз ҳаётбахш ислоҳотлари, демократик ўзгаришлар йўлида собитқадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

...Файзли оқшомнинг фараҳбахш лаҳзаларида қалбларимиздан тошаётган ҳаяжон ва шодлик мисоли самода ранг-баранг мушаклар порлайди. Сирли ва сеҳрли ёғдуларга боқиб, кўнглимиз тоғдек юксалади.

Президентимиз таъкидлаганидек, 1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик – XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир.

Барчамизни шу гўзал кунларга етказгани учун Яратганга беадад шукроналар айтиб, Истиқлолимиз абадий бўлсин, деймиз.

Ғулом МИРЗО,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист,
ЎзА шарҳловчиси

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистоннинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Шуниси қувончлики, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари, анъанавий дўстлик ва ўзаро ҳурмат асосида муттасил ривожланиб бормоқда.

Ишончим комилки, МДҲ, ЕврАзЭС, ОДКБ ва ШҲТ доирасидаги фаол сиёсий мулоқот, ўсиб бораётган савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро амалий фаолият халқларимиз манфаатларига тўлиқ мос келади, Марказий Осиёда барқарорликни сақлаш имконини беради.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик ва масъулиятли давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Дмитрий МЕДВЕДЕВ,
Россия Федерацияси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган куннинг 17 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва дўст Ўзбекистон халқига Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан қизғин қутловлар ва энг эзгу тилакларни йўллайман.

Мамлакатингиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигингизда Ўзбекистон халқи ўз мамлакатининг бугунги юксак равнақи далолат бераётганидек, шижоат билан ривожланиш йўлидан бормоқда, мустақил ва суверен давлатни барпо этишда, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда, хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришда сезиларли муваффақиятларга эришди. Хитой томони дўст, қўшни ва самимий ҳамкор сифатида бундан астойдил қувонади. Ишончимиз комилки, Ўзбекистон Республикаси ривожланиш йўлида бундан ҳам улкан ютуқларга эришади, албатта.

Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кундан буён ўтган 16 йил мобайнида Хитой-Ўзбекистон муносабатлари барқарор ва жадал ривож топмоқда. Олий даражадаги доимий ўзаро ташрифлар йўлга қўйилди, мамлакатларимиз ҳар икки томонни ташвишга солиб келаётган ғоят муҳим ва нозик масалаларда бир-бирини қатъиян қўллаб-қувватлаб келмоқда. Савдо-иқтисодий, энергетика, гуманитар соҳаларда ҳамда хавфсизлик борасида сезиларли муваффақиятларга эришилди. Икки давлат ШҲТ, БМТ каби халқаро тузилмалар доирасида ва «уч ёвуз куч»га қарши курашиш масаласида баҳамжиҳат фаолият юритиб, ғоят самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жаноби Олийлари, яқинда Сиз Пекинда Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида қатнашдингиз. Ўртамизда дўстона учрашув бўлиб ўтди. Унда биз атрофлича фикр алмашдик ва Хитой-Ўзбекистон муносабатлари, икки томонни қизиқтирувчи халқаро ҳамда минтақавий масалалар юзасидан қарашлар муштараклигига эришдик. Хитой томони Ўзбекистон томони билан биргаликда икки давлат ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳини ҳаётга ҳар томонлама татбиқ этишга, Хитой-Ўзбекистон муносабатларини истиқболда ҳам узлуксиз ривожлантириб бораверишга тайёрдир.

Мамлакатингизга куч-қудрат ва равнақ, халқингизга эса бахт-саодат тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва юксак давлат фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

Ху ЦЗИНЬТАО,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Америка Қўшма Штатлари халқи номидан йўллаётган қутловларим ва эзгу тилакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

1991 йилда Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниши ўзбек халқининг янги умид ва интилишларини рўёбга чиқаришга йўл очиб берди.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаётган ва демократик истиқболини барпо этиш ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақада хавфсизликни таъминлаш ишида унга ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини изҳор этади.

Самимият ила,
Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига қизғин қутловларимни йўллаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Юзага келаётган глобал зиддиятлар олдида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бўлган талаб-эҳтиёж унинг тарихида ҳар қачонгидан ҳам кўра ўсди. БМТга аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қила бориб, ҳозирги кундаги долзарб муаммоларни ҳал этиш ишида қадам-бақадам ижобий натижаларга эришишга муваффақ бўлдим.

Бугун биз, талай муаммоларга дуч келишимизга қарамай, БМТ Низомида мустаҳкамлаб қўйилган, Ташкилот ишидаги «самарадорлик, омилкорлик ва яхлитликнинг энг юқори андозаларига» чорлайдиган асосий тамойилларни сира ёддан чиқармаслигимиз зарур. Мен БМТга аъзо давлатлар ва кенг жамоатчилик олдида тўлиқ жавобгар эканлигимизни намойиш қилиш мақсадида БМТ доирасида одоб-ахлоқ маданияти ва масъулиятни илгари суриш тарафдориман.

Жаҳон ҳамжамиятининг БМТдан умиди катта эканлигини англаган ҳолда, умумэътироф этилган устуворликларни тарғиб этишда ташкилотнинг имкониятларини кенгайтириш орқали барча интилишларимизнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлашга бор кучимни сарфлайман. Шуни билиш қувонарлики, бу ишда БМТ Ўзбекистон раҳбарияти ва унинг қўллаб-қувватлашига умид боғлай олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Пан ГИ МУН,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

АЖДОДЛАР РУҲИГА ЭҲТИРОМ

Истиқлол йилларида халқимиз тафаккурининг ёрқин намунаси ўлароқ юзлаб замонавий иншоотлар, кўприклар, кўча ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва ёдгорлик мажмуалари бунёд этилдики, улар халқимиз даҳосининг рамзи сифатида асрлар оша мангу туражак. Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ана шундай муборак қадамжолардандир. Бўзсув соҳилида барпо этилган бу улкан ёдгорлик мажмуидан зиёратчиларнинг қадами узилмайди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз нишонланаётган шу кунларда бу маскан янада гавжумлашган. Зеро, бугунги осуда ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиб, мозий саҳифаларидан, отабоболаримизнинг изтиробли кечмишларидан сабоқ чиқариб, нурли келажак сари дадил интилишимизда бундай табаррук қадамжолар катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Қатағон қурбонлари куни муносабати билан 31 август эрта тонгида пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди. Анъанага кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари «Шаҳидлар хотираси» мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, хусусан, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ҳудудида янгитдан барпо этилган биноларни танишди, музейнинг янги экспозициясини кўздан кечирди.

— Мустабид тузум қатағони қурбони бўлган мингларлаб ватандошларимизнинг аянчли қисмати, миллатимиз зиёлиларининг бошига тушган қора кунлар ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди, — деди Ислом Каримов. — Эрларнинг номларини қайта тиклаш, хотирасини эъзозлаш, Ватан ва халқ озодлиги йўлида жонини фидо этган минг-минглаб инсонларнинг руҳини шод этиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2000 йили пойтахтимизда — қатағон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган Бўзсув соҳилидаги қаровсиз жарлик ўрнида «Шаҳидлар хотираси» хиёбони бунёд этилди. Мажмуа таркибида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан буён 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланиб келмоқда.

2007 йил 31 август куни давлатимиз раҳбари «Қатағон қурбонлари хотираси» музейига ташрифи чоғида музей фаолиятини қайта кўриб чиқиш, хусусан, унинг биносини кенгайтириш, илмий экспозицияни янгидан шакллантириш бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берган эди. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз томонидан махсус қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, махсус илмий гуруҳ тузилиб, изчил иш олиб борди.

Ҳозирги кунда музейнинг аввалги якка гумбазли биноси ёнида унинг шарқона услубда қурилган иккинчи кўркам биноси қад ростлади. Музей гумбазларининг ички томони Самарқанддаги машҳур Тиллакори мадрасаси гумбазига яқин услубда безатилган. Муҳташам заллардаги стендлар ва экспонатлар ўзаро уйғунлик касб этган. Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган бу муҳташам бинода музейнинг 10 бўлимдан иборат янги экспозицияси очилди.

Музей биносининг биринчи ва иккинчи залида чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олинишидан то мустақиллик давригача бўлган тарихий жараёнларни ўзида акс эттирувчи экспонатлар жойлаштирилган. Ушбу бўлимда «мардикорлик», «босмачилик», «қулоқ қилиш», «коллективлаштириш» деб ном олган турли оммавий қатағонлар билан бирга, мустабид тузумнинг сўнгги давридаги «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби сиёсий кампаниялар туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ юртдошларимизнинг ўта оғир фожиаларни бошидан кечиргани ҳақида тарихий ҳужжатлар орқали ҳикоя қилинади.

— Энг буюк жасорат нима деган саволга, ҳеч иккиланмасдан маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, адашмаган бўламиз, — деди Президентимиз. — Қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни қилгани тарихдан яхши маълум. Инсоннинг эзгу амаллари эса ҳеч қачон унутилмайди. Ўзлигини англамаган, тарихини билмаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис, тарихимизни теран, холисона ўрганишимиз, айни вақтда мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш, мустаҳкамлаш, эл-юрт ва миллатга садоқат тушунчаларини ёшларимиз онгига чуқур сингдиришимиз лозим. Улар ҳақни ноҳақдан, оқни қорадан фарқлай олсин. Аждодлар билан фахрланишнинг ўзи камлик қилишини, уларга муносиб авлод бўлиш зарурлигини тушуниб етсин.



Музейнинг учинчи залидан ўрин олган экспонатлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш, шу жумладан, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, миллий ўзлигимиз, қадриятларимиз, маънавиятимиз, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни ёритишга қаратилган.

Музейнинг янги экспозициясидан юзлаб ноёб фотосуратлар, тарихий ҳужжатлар, турли хил экспонатлар — нодир китоблар, ашёвий буюмлар ўрин олган. Уларнинг барчаси халқимиз бугунги озод ва эркин, фаровон ҳаётга эришиш учун нене оғир синовлардан ўтганини яна бир бор яққол тасдиқлайди. Бу экспонатлар эл-юртимизнинг асл фарзандлари ҳар қандай вазиятда ҳам босқинчиларга бўйин эгмагани, зулм ва зўравонликка қарши мардларча курашгани ҳақида атрофлича маълумот беради.

Музей энг илғор ахборот технологиялари ва замонавий дизайн талаблари асосида жиҳозланган. Ҳар бир бўлимдаги экспозициялар янги-янги тарихий экспонатлар, буюм ва ашёлар, матнли стендлар ва фотосуратлар билан бойитилган. Айни пайтда музей залларида видеомонитор, мульти-медиа ускуналари ёрдамида тегишли лавҳаларни томоша қилиш, тарихий маълумотларни бевосита эшитиш имконияти ҳам яратилган. Бу ерда тўпланган кўплаб видео ва аудио дисклар, шунингдек, электрон шаклдаги матнлар ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, музей биноси ва унда иш бошлаган янги экспозиция тимсолида мамлакатимизда мустақиллик йилларида қатағон қурбонлари хотирасига кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборнинг яна бир ёрқин намунасини кўриш мумкин. Бу ишлар, Президентимиз таъкидлаганидек, халқимиз, айниқса, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёш авлоднинг онгу шуурида тарихий адолатга ишонч, эзгу инсоний фазилатларни қарор топтириш, уларнинг маънавий оламини юксалтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга экани билан, айниқса, эътиборлидир.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

(ЎзА)

Инсонга наф келтириш — олий бахт

МИННАТДОРЛИК БИЛДИРАМИЗ

Биз энг машаққатли касбларни танлаганимиз, фаолиятимиз жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши билан ҳар доим фахрланамиз. Ишимизга яраша мукофот олаяпмиз. Бизга яратилаётган шароитнинг юксаклиги, иқтисодий манфаатларимиз ҳимоя қилинаётганлиги касаба уюшмаларининг кўмаги туфайли эканлигини яхши биламиз.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги барча корхоналарда соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган ходимларга қўшимча ҳақ тўланади, иш кийимлари ажратилган, мунтазам равишда мукофотлар бериб борилади, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади. Айниқса, саломатлигимизга алоҳида эътибор қаратилади. Кўпчилигимиз таътилни санаторийларда ўтказамиз. Кўплаб ташкилотларда спорт машғулотлари ташкил қилинмоқда. Корхоналаримиз маъмурияти ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қилувчи бир қатор бандлар киритилган.

Азалдан болажон халқмиз. Фарзанд учун яшаймиз. Уларнинг камолини кўриш ҳаммамизнинг орзумиз. Кимдир боламизнинг қўлига битта конфет тутса, эгнимизга зар тўн кийдиргандай суюнамиз. Демоқчимизки, касаба уюшмасидан миннатдор жиҳатларимиздан бири — жондан азиз болаларимизга кўрсатаётган ғамхўрлиги учундир.

Ҳар йили кўплаб болаларимиз жамоа шартномаси талаблари асосида, корхона маблағлари ҳисобидан оромгоҳларда дам олдирилади. Аксарият болаларимизга касаба уюшмаси шахсан ғамхўрлик кўрсатади. Ҳар йили соҳа ходимларининг 30 нафар фарзанди республикамизнинг энг сўлим, боҳаво оромгоҳларида дам олиш имконига эга бўлар эди. Ёшлар йили муносабати билан ёзда бундай имконият 50 та болага берилди.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти вакили Светлана Худойберганова бизга ушбу хушхабарни етказганида бениҳоя хурсанд бўлдик.

— Марказий кенгашимиз ҳар йили оролбўйилик 100 та болани республикамизнинг энг сўлим оромгоҳларида дам олдирарди. Бу йил бундай имконият 150 болага берилди. Уларнинг 100 нафари қорақалпоғистонлик, 50 нафари эса хоразмлик. Марказий кенгаш ушбу мақсад учун 31 млн. сўмга яқин маблағ ажратди. Нафақат оромгоҳда дам олиш харажати, йўл ҳақини ҳам кенгашимиз тўлаб беради. Мақсадимиз — болалар соғлом бўлиб вояга етсин, юртимизнинг чинакам таянчига айлансин, — деди у киши фарзандларимизни оромгоҳга тантанали кузатиш маросимида.

Болаларимиз автобусга чиқиш арафасида ҳаммасига бир хил кийим-бош кийдирилди. Вилоят вакиллигининг бу туҳфасини кўриб, янада шодландик.

«Урганч шоҳбекати» МЧЖ раҳбари Мукаррама Рўзметова энг яхши автобуслардан бирини болаларимиз ихтиёрига берди.

Касаба уюшмаси илтимосига биноан майор Равшан Рўзиев бошлиқ ЙҲХ ходимлари фарзандларимизни кузатиб кетганини кўриб анча хотиржам бўлдик.

Улкан ғамхўрлик туфайли болаларимиз Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги «Беруний» оромгоҳида намунали ҳордиқ чиқаришди. Улар Шаҳрисабзда касаба уюшма Марказий кенгашининг Қашқадарё вилояти вакили Жўрақул Қурбонов муносиб кутиб олганини, Лутфулла Каримов бошлиқ оромгоҳ жамоаси бениҳоя меҳрибонлик кўрсатганини, Шаҳрисабзнинг қадимий обидаларини томоша қилиб олам-олам таассурот олишганини завқ билан ҳикоя қилиб беришди.

Болаларимизга кўрсатилган ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди. Биз касаба уюшмасининг ҳар бир оилага кириб бориши тарафдоримиз. Боиси, касаба уюшмаси бор жойда қувонч, шодлик, хотиржамлик борлигига ўзимиз гувоҳмиз.

Кудрат ЭГАМБЕРГАНОВ,
«Жанубгазқурилиш» ОАЖ ишчиси,
Шуҳрат ОЛЛАБЕРГАНОВ,
«Урганчгазузатиш» шўъба корхонаси ишчиси,
Бахтиёр МАДАМИНОВ,
«Ҳидоят» соғломлаштириш комплекси ходими

КАСБИ ТУМАНИДАГИ
«ҲАМДАМ БОБО ҚУВВАТОВ»
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Бободеҳқонларни ва барча фуқароларни Мустақиллик байрами билан табриклайди. Деҳқонларимиз ҳосилига барака берсин, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо

«МУБОРАКНЕФТГАЗ»
УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ҚАЛБЛАРИ БАЙРАМ ШУКУҲИГА ТЎЛГАН ҲОЛДА ХАЛҚИМИЗНИ ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.

Барча фуқароларга узоқ умр, тинчлик, тотувлик, оилавий фаровонлик тилайди. Истиқлол қуёши мангу порлайверсин!

IPOTEKA BANK

Мустақиллик байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

Тармоқ ходимлари, уларнинг ҳамкорлари ва барча инсонларни Мустақилликнинг қутлуғ 17 йиллиги билан самимий қутлаймиз.

Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларни рўёбга чиқариш учун курашаётган ватандошларимизга, уларнинг оила аъзоларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши

Баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда фидойилик кўрсатаётган соҳа ходимлари ва барча юртдошларимизни Мустақилликнинг 17 йиллиги шодиёнаси билан самимий қутлайди. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси

Бунёдкор халқимиз ва соҳа ходимларини Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами билан чин дилдан қутлайди. Эл-юрт учун камарбаста, саховатпеша инсонлар асло кам бўлмасин!

«Жанубгазтаъминот»
бошқармаси меҳнат
жамоаси
республикамиз
халқини энг улуғ ва
энг азиз байрам
Ўзбекистон
мустақиллигининг 17
йиллиги билан
самимий
табриклайди
Мамлакатимизнинг барча аҳолисига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат, тинчлик ва осойишталик тилайди. Истиқлолимиз абадий бўлсин!


КЎП МИЛЛАТЛИ ТАЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ БАРЧА ФУҚАРОЛАРНИ БУЮК ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.
Ўзбекистон халқига соғлиқ саломатлик, фаровон ҳаёт, меҳнатда янги зафарлар тилайди. Баҳтингиз боқий, умрингиз узоқ бўлсин!

Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши
Меҳнаткаш халқимизни ва барча соҳа ходимларини истиқлолнинг 17 йиллик тўйи билан қизғин қутлайди!
Ўзбек автомобилсозлик саноатининг гуллаб-яшнашдаги самарали меҳнатларингизда омад ёр бўлишини тилайди!
Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Ёқилғи-энергетика комплекси, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти вакиллиги
Бунёдкор халқимизни ва соҳа ходимларини Мустақилликнинг 17 йиллик тантаналари билан муборакбод этади.
Барчангизга сиҳат-саломатлик, байрамона кайфият тилайди. Юртимизда доимо тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон бўлсин!

Ёзувчи ён дафтаридан

Инсон учун киндик қони тўкилган жой муқаддас. У боғми, тоғми, чўлми, чаманми, фарқи йўқ, инсон учун бирдай азиз, мукаррам. Худога шукур, тақдир тақозоси-ю кўнгил хоҳиши билан бу йил Андижонга тез-тез сафар қилишга муяссар бўлдим. Ўзим Андижонда Бўз туманида туғилганимдан ҳар гал бу сафарлар қалбимни яшнатиб юборади. Дўстлар билан, китобхонлар, ижодкорлар билан учрашаман, ҳаёт ва адабиёт ҳақида суҳбатлар қурамиз, кўнгилда шеърлар, янгиданянги ижодий ниятлар яироқ ёза бошлайди, гуллаб-яшнаб бораётган Ватанимиз шаънига ҳамду санолар айтиб чарчамаймиз.

* * *

«Маънавий жасорат ҳисси билан яшаган» улуғ сиймолардан бири, халқ маънавиятидай буюк уммон мавжларига мавжлар қўша олган, ўзбек адабиётининг порлоқ юлдузи Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллиги тантаналари чинакамига улкан байрамга айланиб кетди. Чаманга айланган Бобур миллий истироҳат боғида дунёнинг таниқли бобуршунос олимлари «Бобурнома»нинг илмий-танқидий матнини яратган Эйжи Мано (Япония), «Бобурнома»нинг араб тилига таржимони Магда Салаҳ Махлуф (Миср), Илза Сиртаутас (АҚШ), Гулшен Сейҳан Алишик, Танжу Орал Сейҳан (Туркия), Шафиқа Ёрқин (Афғонистон), Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева (Ўзбекистон), шунингдек, бошқа тошкентлик, андижонлик, наманганлик адиб, шоир ва олимлар анжуман очилишини кутиб сайр қилиб кезиб юришар, Халқаро Бобур фонди раиси Зокиржон Машрабов қувонганидан ўзини қайга қўйишни билмасди. Халқаро анжуманда Бобур ва бобурийлар мероси, «Бобурнома» нусхалари тақдири, «Бобурнома»нинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни, темурийлар даврида Андижонда шаҳарсозлик маданияти, Бобурнинг бунёдкорлиги, «Бобурнома»да Марказий Осиё аҳолиси ҳақидаги маълумотлар, Марказий Осиёдаги турк халқларининг ёзма ва оғзаки адабиёти ёдгорликлари ва ҳоказо мавзуларда маърузалар тингланди. Ўндан ортиқ хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар юртимизда бўлаётган ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўрдилар, ҳайратланганларини яшириб ўлтирмадилар.

— Андижонда Бобур маданий меросига, шахсиятига ҳурмат қанчалар катта эканлигининг гувоҳига айландим. — дейди Эйжи Мано. — Аслида Бобурдай дилбар шахс билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Мен бу улуғ инсонни дунёнинг барча мамлакатларида бирдай билишлари ва ўрганишлари учун бутун кучғайратимни сарфлайман».

Абдулборий Рошид (Афғонистон) Андижон ҳақидаги таассуротлари билан шундай ўртоқлашади: «Бобур туғилиб ўсган Андижон диёрини хаёлан кўз ўнгимда гавдалантиришга ҳаракат қилардим... Водийнинг гавҳари дея таърифланган Андижон чиндан ҳам шу ташбеҳга муносиб экан!»

Илза Сиртаутас (АҚШ): «Истиқлол йилларидаги Андижонда бўлган ўзгаришлар мени ҳайратга солди. Истардимки, ҳар бир киши озодликнинг қадрини билса, уни кўз қорачиғидай асраса. Ахир эмин-эркин, тинч ва хотиржам яшашга нима етсин. Аслида миллий қадриятларни эъзозлаш эртанги кунга умид билан яшаш демакдир. Жаҳонга Мирзо Бобур каби буюк сиймони туҳфа этган андижонликларга ҳавасим келади...»

Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган юртинигина эмас, балки барчамизни дунёга танитган сиймодир. Эсимда, 1993 йилда Америка Қўшма Штатларига ижодий сафар вақтимда, Сиэтлда бир ҳинд ресторанига кирдик. Ресторан бошлиғига меҳмонни, яъни каминани таништирдилар. У Ўзбекистон ҳақида эштитмаган экан, «Покистон?» деб сўради. Шунда унга инглизчалаб: «Ю нав Бабуршоҳ?» — Бобуршоҳни биласизми, деб сўрадим. Бошлиқнинг чеҳраси ёришиб кетди: «О, Бобуршаҳ! Бобуршаҳ! Ҳа, ҳа! Биламан!» Ўзимни «Бобуршоҳ туғилган ерда туғилганман», деб таништирганимдан кейингина андижонлик эканимни билди.

Андижон вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов халқаро анжуман иштирокчиларини чин дилдан қутлади.

* * *

Аҳмаджон ака билан суҳбатлашиш ниятим бор эди, лекин аввал вилоятни айланиб чиқишга қарор қилдим. Избоскан, Асака, Булоқбоши, Қўрғонтепа, Олтинкўл, Пахтаобод, Балиқчи туманларида бўлдим. Шаҳарни кездим. Ҳамма жойда кишиларда кўтаринки кайфият ҳукмрон, ҳамма жойда шиддат билан қурилишлар кетмоқда. Ҳамма иш билан банд, бекорчини кўрмайсиз. Қурилиш, қурилиш... Ўзбекнинг ичида бузаман дегани бўлмайди, фақат қурсам, тикласам, бунёд этсам, эксам, ундирсам, дейди. Мустақиллик байрамига вилоятда олти юз бешта катта-кичик объектлар қуриб фойдаланишга топширилди! Шундан 124 таси катта қурилишлар сирасига киради. Умуман эса катта корхоналар қатори, кўпдан-кўп мини-маркетлар, савдо дўконлари, музқаймоқ павильонлари, сервис хизматлари, устахоналар очилди.

Мени қувонтирган жиҳатлардан бири қадам-бақадам Андижон тарихини ўрганиш ва ёшини аниқлаш бўйича тадқиқот ишларининг тобора кучайиб бораётганлигидир. Халқаро Бобур фонди ташаббуси ва ёрдамида Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти ходимлари шаҳар ҳудудида қазиш ишларини амалга оширмоқдалар. Фидойи инсон Зокиржон Машрабов, атоқли тарихчи олим Сайфиддин Жалиловларнинг бу борадаги изланишларини бутун халқимиз яхши билади.

Маълумки, бу ҳудудда милоддан аввалги II мингйилликнинг сўнгги чорагидан то ўрта асрларгача тааллуқли бўлган йирик шаҳарлар қолдиқлари топилган. Энг қадимги шаҳарлар Жалақудуқ туманидаги Ойим қишлоғи яқинида жойлашган Далварзин (милоддан аввал IX-VII асрлар) билан Избоскан туманидаги Эйлатон (милоддан аввалги VI-III асрлар) ёдгорликлари ҳисобланади. Умуман, Фарғона водийсида, Хитой ёзма манбаларига кўра, милоддан аввалги II-I асрларда етмишдан ортиқ катта-кичик шаҳарлар бўлган экан. Кейинги пайтдаги муҳим хулосалардан бири Андижонда милоддан олдинги VI-IV асрларга тегишли топилмаларнинг аниқланиши бўлди. Изланишлар давом этмоқда. Худо хоҳласа, яқин йилларда топилган маълумотларга суяниб мамлакатимизнинг кўҳна шаҳарларидан бири Андижоннинг ёши аниқланиб, унинг қутлуғ тўйида қувониб-қувониб юришимизга асло шубҳа қилмайман.

Буни вилоят ҳокими ёрдамчиси Абдуваҳоб Нурматов айтиб берди. Ўн саккиз йилдан бери чеварлик қилиб келаётган асакалик Анзиратхон Тожибоева ҳам меҳнатда, ҳам ҳисобда чевар экан. Сўз билганча, иш билан очилди.

Муҳаммад Али
Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Давлат мукофоти лауреати

Эзгу туйғулар қанотида



Марказий Осиёдаги ягона Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти ходимлари шаҳар ҳудудида қазиш ишларини амалга оширмоқдалар.

Ҳаражатлар чиқариб юборилганда 350 минг сўмдан соф фойда қолади. Инсонлар тўғрисида ҳикоя қиламиз. «Ёшлар йили» муносабати билан тадбиркор Нурилло Раҳматуллаев марказ лойиҳасини тайёрлаб вилоят ҳокимлигига мурожаат этди, ғоя мақбул топилди, унга «Саноатқурилишбанк» 7 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратди.

Вилоят ҳокими масҳаҳатчиси Машариф Юсупов билан бирга марказни кўргани бордик. Қизғин ҳаракат кетарди, марказнинг бугун-эрта расмий очилиши кутилмоқда эди. Хоналар, залларни кўрдик, томга чиқдик, бутун Андижон кўриниб турарди. Вилоят ёшларининг билим олиш эҳтиёжларини тўлиқ қоплайдиган, соғлом турмуш тарзини тарғиб этадиган бу масканда 130 та компьютер қўйилган Ахборот-ресурс маркази очилади, веб-студия фаолият кўрсатади, ҳунар ўргатувчи жуда кўп йўналишлардаги курслар иш бошлайди, янги оила қураётган ёшларга мўлжалланган минг ўринли тантаналар саройи, уч ресторан, психологик маслаҳат хонаси эшиклари очиқ бўлади, замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда жиҳозланган спорт заллари ўз эгаларини кутади... 350 та иш ўринлари яратилиб, унда асосан ёшлар меҳнат қилишади.

* * *

Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов билан бўлган самимий суҳбатда вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги янгиликлар ҳақида сўз кетди. Ҳозир вилоятда 16 200 нафар атрофида фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда, 30 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олинган, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун 18 та янги қудуқ қазилди, 53 та қудуқ таъмир этилди, 50 км.га яқин ичимлик сув тармоқлари қурилди.

Саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш учун 12 та корхонага салкам 35 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция киритилди. «ХБК» корхонасига ҳинд тадбиркорлари билан ҳамкорикда инвестиция киритиш устида музокаралар олиб борилмоқда. «Ёшлар йили» дастури бўйича 144 та умумтаълим мактаблари (шундан иккитаси янги), 10 871 та ўқувчи ўрнига эга 31 та мактаб капитал реконструкция қилинди. 49 714 ўқувчи ўрнига эга 96 та мактаб мукаммал таъмирланди. Мактаблар замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозланди. Битта академик лицей ва 10 касб-ҳунар коллежи, битта ўқув-тажриба участкаси фойдаланишга топширилди. Буларнинг барига 48300,0 млн.сўм маблағ сарфланди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Камида 49,6 мингта янги иш ўринлари яратилади, шундан 39,7 мингтаси кичик қишлоқ ва шаҳарларга тўғри келади. Жамоат транспорти масаласи ҳал бўлди, «Андижон метроси» фаол ишламоқда: ёнларида «Узоғингизни яқин қиламиз» деган сўзлар ёзилган микроавтобуслар кўчаларда тез-тез кўзга ташланади...

— Биринчи ва асосий масала — бандликни таъминлаш ҳисобланади, — дейди Аҳмаджон ака — Вилоятимиз ўзига хос, аҳолининг зичлиги бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирида туради. Бир квадрат км.га 570 киши тўғри келади. Албатта, бу тирик жон билан боғлиқ бўлгани учун, рақамлар нисбати ўзгариб бориши табиий. Иш ўринлари муаммоси мавжуд корхоналарни жонлантириш, тўла қувват билан фаолият кўрсатишига эришиш, кичик ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл бериш, касаначиликка эътиборни кучайтириш, сервис ва хизмат соҳаларини ривожлантириш орқали ҳал қилиш мумкин бўлади... Шу маънода, «ЎзДЭУавто» ёпиқ акционерлик жамияти негизида «Женерал моторс-Ўзбекистон» қўшма корхонаси тузилиши қўшимча имконлар яратиб берди. Нуфузли компания эътиборини жалб этишда Асака, қолаверса бошқа қўшма корхоналаримиздаги ишчи-хизматчиларнинг малакаси, билими, раҳбарларнинг ташкилотчилик қобилияти, бошқариш салоҳияти ўз таъсирини ўтказди, дейиш мумкин. 2006 йилда 140 мингта автомобил ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу рақам 170 мингтага етди. Бу йил икки юз мингдан ошириш, охирқибатда 250 мингга етказиш режалаштирилган...

Ҳоким сўзларини эшитяпману, хаёлимга ўн йил илгари катта газеталаримиздан бирининг йўлланмаси билан Асака автомобил заводида бўлганим, «Жаҳонга айтилган сўз» номли очерк ёзиб, унда Ўзбекистоннинг жаҳон автомобилсозлигида 28-давлатга айлангани ҳақида фахр билан сўз юритганим эсимга тушади. Автомобил заводи мамлакатнинг бошқа шаҳарларида эмас, Андижон вилоятида қурилганлигида янги ишчи ўринларни барпо қилиш, бандликни таъминлаш мақсади устувор турганлиги англашилади. Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб олиб борган адолатли сиёсати самараси бу. Бугунги кунда бу сиёсат ўзини оқламоқда, ушбу заводда қўшма корхоналарни ҳисобга олганда етмиш мингга яқин одам ишлаб турибди.

— Сизга қизиқ муқоясани айтсам, — деди суҳбат охирида Аҳмаджон ака. — Вилоятимизнинг экин майдони мамлакатимизникига нисбатан бор-йўғи 1 фоизни ташкил қилади, аҳоли эса 10 фоиздан иборат. Демак биз, унумдорликни ошириш, кичик ва хусусий тадбиркорликка кенг ўрин беришимиз керак. Президентимиз И.Каримов ислоҳотлар одамлар учун, уларнинг бахт-саодати учун эканлигини тез-тез такрорлаб турадилар. Бу гаплар замирида барча саъй-ҳаракатларимизнинг пировард мақсади халқ турмушини яхшилаш, меҳнаткаш халқимизга муносиб шароит яратиш эканлиги ётади. Мақсадимиз инсонларга наф келтириб яшаш, бу бахтдан ҳеч кимни бенасиб этмасин, деймиз. Бу эзгу туйғу инсон қалбини қўкларга кўтаради. Вилоятимизда ҳамма нарсада ўзгариш бор, бироқ энг муҳими, кишилар онгида юз бераётган ўзгаришлардир...

Ҳоким ҳақ гапни айтди.

Андижонликларнинг қатъияти, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, дадиллиги, улардаги шижоат, жасорат тахсинга лойиқ. Байрам арафасида андижонликларнинг қувончига яна қувонч қўшилди. Юртбошимиз Фармонлари билан «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалиги бошлиғи Сиёсатхон Абдуллаевага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди. «Рассом» ижодий ишлаб-чиқариш корхонаси рассоми Обиджон Бакиров «Ўзбекистон халқ рассоми» унвонига сазовор бўлди, Ўзбекистон халқ шоири, дўстим Тўлан Низом «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Қутлуғ бўлсин, деймиз.

Қадрли ва азиз юртдошларимни Мустақиллигимизнинг қутлуғ 17 йиллиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этаман.

* * *

Матбуотдан ўқиб билдим. Ёш ошпазлар танловида Асакадаги «Хонсуппа» чойхонасининг ошпази Нодирбек Назиров биринчи ўринни олибди. Унинг пиширган палови нафақат ҳайъат аъзолари, балки сайлга келган мухлисларга ҳам маъқул бўлибди. Таърифини эшитиб қизиқиб қолдим, бориб ўз кўзим билан кўрай дедим, чунки ўзбек кўрмагунча ишонмайди. Афсуски, бунга вақт бўлмади.

Худо хоҳласа, кейинги сафар...

Андижон-Тошкент,
29 август 2008 йил

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси

Жаҳон ҳўра обрў-эътибори ошиб бораётган серқуёш мамлакатимиз фуқароларини Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан муборак этади.
Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, порлоқ келажагимиз учун фидойилик кўрсатаётган меҳнаткашларга, аҳоли манфаатларини муҳофазалаш йўлида жон қуйдираётган барча касаба уюшмалари фаолларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, хуш кайфият, оилаларига тотувлик, дастурхонларига қут-барака тилайди.

Байрамингиз муборак, азизлар!

Бир фармон шарофати

НАВОИЙЛИК ЁШЛАРГА ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни, шу жумладан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан жуда катта ишлар қилинди. Уларнинг ҳозирги замон талаблари асосида билим олишлари, касб эгаллашлари учун республикамиз барча ҳудудларида қанчадан-қанча янги мактаблар, лицейлар, коллежлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эски ўқув муассасалари тўла қайта таъмирланиб, жиҳозланди. 2008 йил — Ёшлар йили деб номланди ва давлат дастури қабул қилинди. Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қуйида ушбу Фармон юзасидан АТИБ «Ипотека банк»нинг Навоий вилоят филиали томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қиламиз.

— Уй-жой сотиб олиш ва қуришни ипотека кредити билан молиялаштириш дунёнинг кўплаб давлатларида кенг ривожланган ва турар жой қурилишига инвестиция йўналтиришнинг энг ишончли ҳамда классик усулларидан биридир, — дейди филиал бошқарувчиси Истам Кўчқоров. — Бунда биринчидан, ёшларнинг уй-жой шароити яхшиланади, иккинчидан, молия муассасаси яхшигина даромад олади, учинчидан, қурилиш ташкилотлари кўпайиб, янги иш ўринлари яратилади. Аслида бизнинг банкимиз ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил қилинган. Шунинг учун АТИБ «Ипотека банк»нинг Навоий вилоят филиалида 2006 йилдан бошлаб ипотека кредитлари ажратиш бошланди. Бугунги кунгача 268 нафар мижозга 2 миллиард 485,4 миллион сўм қарз берилди.

Ҳақиқатан ҳам юқоридаги филиал томонидан ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кейинги бир-икки йил ичида бир мунча ишлар қилинди. Биргина 2007 йилда 65 та ёш оила банк қўмагида турар жой билан таъминланди. Бунинг учун салкам 900 миллион сўм сарфланди. Зарур уй-рўзғор буюмлари сотиб олишга эса 99,7 миллион сўм истеъмол ва 13,2 миллион сўм микрокредитлар берилди. Шундай қилиб вилоят бўйича бир йил ичида ёш оилаларга ажратилган қарзнинг жами суммаси 1 миллиард сўмга яқинни ташкил этди.

Бу йил эса «Ёшлар йили» муносабати билан бу ишга асосий мақсад сифатида қаралмоқда. Хусусан, Ўзбекистон АТИБ «Ипотека банк» бошқарувининг қарори билан тасдиқланган «Жисмоний шахсларга уй-жой қурилиши, уни реконструкция қилиш ва уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити ажратиш тўғрисида»ги ҳамда «Жисмоний шахсларга истеъмол кредити ажратиш тўғрисида»ги тартибларига асосланган ҳолда ёш оилаларга ипотека ва истеъмол қарзлари бериб келинмоқда. Келинг, мижозларнинг ўзларига сўз бера қолайлик.

— Ўйланганимдан кейин турар жой муаммоси юзага келди, — дейди Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси 17-уй 13-хонадонда истиқомат қилувчи Нурали Норматов. — Нимага деганда, оиламиз катта эди. Устига-устак уй сотиб олишга маблағимиз етмасди. Ўйланиб-ўйланиб «Ипотека банк»нинг Навоий вилоят филиалига бордим. У ердагилар мени яхши кутиб олишди. Ҳужжатларни расмийлаштиришимда ёрдам беришди. Натижада юқоридаги манзилдаги уйни сотиб олдим. Бунда банкнинг 19 миллион сўм кредити менга жуда асқотди. Ҳозирги кунда қарзни сўндиришни бошлаб юбордим.

— Мен эса оила қургандан кейин юқоридаги банкка бордим, — дея суҳбатга қўшилди ёш оила бошлиғи Элёр Қувватов. — Қарзни олишда ҳеч қандай муаммо бўлгани йўқ. Филиалдагилар менга «Камолот» ёшлар ижтимоий-ҳаракати тавсияномасига асосан йиллик 5 фоиз устама тўлаш шарти билан 12 миллион сўм имтиёзли кредит беришди. Айни чоғда Навоий шаҳар Ғалаба кўчаси, 159-уй 1-хонадонда оилам билан яшаяпман. Бунинг учун Президентимизга раҳмат. Чунки у кишининг Фармони бўлмаганда, мен ва менга ўхшаган ёш оилаларга бундай имконият бўлмас эди.

Хуллас, шу ярим йилликда вилоят бўйича 19 та оилага 262,5 миллион сўм ипотека кредити берилди. Шундан 161,5 миллион сўми Навоий вилоят филиалига тўғри келди. 7 нафар мижозга 101 миллион сўм қарзни эса Зарафшон филиали ажратди. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, вилоят филиали томонидан ушбу соҳага берилган қарзнинг 136 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бўлди.

Банк ёш оилаларга нафақат ипотека, балки истеъмол кредитлари ажратиб келмоқда. Масалан, шу йилнинг олти ойи ичида вилоят бўйича 13 нафар мижозга 19,3 миллион сўм қарз берилди. Бу маблағга улар мебел ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, уй-рўзғор буюмларини сотиб олишди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 29 августидаги аҳолига, шу жумладан, ёш оилаларга турар жой бинолари қурилишини ташкил этиш масалаларига бағишланган мажлис баёнининг ижросини таъминлаш бўйича ҳам вилоятда бир мунча ишлар қилинмоқда. Хусусан Навоий ва Зарафшон шаҳарларида 4 та турар жой биноси қурилиши бошлаб юборилди. Айни кунларда Навоийда лойиҳа қиймати 700 миллион сўмлик 48 хонадондан иборат биноларда қурилиш-тиклаш ва пардозлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу ишни «Темур Малик» масъулияти чекланган жамият қурувчилари амалга оширишмоқда. Бундан ташқари шаҳарда 4 қаватли 40 хонадонли турар жой биноси қурилиши давом этмоқда. Бу ерда бунёдкорлик ишларини «10-қурилиш-монтаж бошқармаси» очиқ турдаги акциядорлик жамияти қурувчилари бажаришмоқда. Зарафшон шаҳрида ҳам шундай ишлар давом этмоқда. Юқоридаги бинолар фойдаланишга топширилса, 152 та ёш оила хонадонли бўлишади.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ishonch» мухбири

«Эҳтиром» нишони совриндорлари

ЭҲТИРОМГА МУНОСИБ АЁЛ

Клара опанинг кўп фазилатлари отасидан ўтган. Содиқ ака атрофидагиларга қайишиши, қатъияти, ташкилотчилиги билан одамлар ўртасида ҳурмат қозонган инсон эди. Ҳамиша фарзандлари тарбиясига жиддий эътибор қаратарди.

Ана шундай муҳит Кларанинг иродали шахс бўлиб камол топишига кўмак берди. У ўзи туғилиб ўсган Пахтаобод туманидан олисда — Самарқанд кооператив институтида ўқиб юрган чоғларидаёқ интилувчанлиги, ташаббускорлиги билан ажралиб турарди.

Ўқишни битиргач, уни Тожикистонга ишга юборишди. Иқтисодчилик касбини эгаллаган ёш мутахассис бироз муддат ўз соҳаси бўйича ишлади. Турмуш ўртоғи ҳарбий соҳага ишга ўтгандан сўнг турли жойларга кўчиб юришга тўғри келди. Россияда яшаганида Волгоград вилояти касаба уюшмалари кенгашига ишга ўтиши бу соҳага дастлабки қадами бўлди.

1987 йилда юртимизга қайтиб келиб, Тошкент вилояти алоқа ходимлари касаба уюшмасида фаолиятини бошлади. Кўп ўтмай, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашига Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича ташкилотчи бўлиб ишга ўтди. К.Муҳаммаджонова тажрибали мутахассис сифатида қисқа вақтда касаба уюшмаси ишини жонлантиришда ўзини кўрсатди. Узоқ йиллар Марказий кенгаш раисининг ўринбосари, молия бўлими бошлиғи вазифаларида хизмат қилди. 2001 йилдан буён эса меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи сифатида тизим ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлашга ҳисса қўшиб келаяпти.

— Клара Муҳаммаджонова ўзига ва атрофдагиларга талабчан инсон, — дейди Марказий кенгаш раиси Тоҳир Назаржонов. — Унинг ана шу фазилатини кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Тизимда ишлаб чиқилаётган тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларида ходимларнинг манфаатлари ҳар томонлама қамраб олинишида К.Муҳаммаджонованинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Кўп йиллардан буён касаба уюшмаларини ривожлантиришга қўшиб келаётган улкан ҳиссаси учун К.Муҳаммаджонова истиқлол байрами арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди.

Клара Муҳаммаджонова бахтиёр оила бекаси, меҳрибон она. Турмуш ўртоғи Азизулло ака билан икки ўғилни вояга етказди. Улар ҳам ота-онаси каби ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб эътибор қозонишга интилишмоқда.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ассалом мактаб!

ЎҚУВ ЙИЛИГА СОВҒА

Самарқанд электр тармоқлари ОАЖ касаба уюшма қўмитаси «Ёшлар йили» дастури ҳамда жамоа шартномасида кўрсатилган «Корхонада кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ўқув қуроллари билан таъминлаш» бандини бажариш мақсадида барча туман электр тармоқлари цех ва бўлинмаларида кам таъминланган 50 нафар ходимларнинг фарзандларига 1 миллион 50 минг сўмлик мактаб ўқув қуроллари олиб берди. Кўрсатилган бу ёрдамдан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари мамнун бўлишди.

К.БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Изҳор

Ўзбекистон — иккинчи Ватаним!

Илк бор 1999 йили Ўзбекистон миллий университетига тадқиқотчи сифатида келган эдим. Раҳматли устозим Бегали Қосимовнинг талабчанлиги сабаб Тошкентни роса кезганман. Кутубхоналарга қатнаш баҳонасида ўзбекча гапиришни ўрганиб олдим. Тошкент қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ер менинг иккинчи ватаним! Аввалига келишни истамаган оиламдагилар ҳозир фақат ёзги таътилда Туркияга боришади.

Бу ердаги мўътадил иқлим уларга ёқиб қолган. Дам олиш кунлари биз Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига ҳам зиёратга борамиз. Бу юртда ўзимни бегона ҳис қилмайман. Чунки тилимиз, динимиз ва тарихий илдизимиз бир. Мен бу ерда яшаётганимдан фахрланаман. Бутун ўзбекистонликларни мустақилликнинг 17 йиллик байрами билан самимий қутлайман!

Филиз ДЕМИРЖИ,
Анқара

МИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. O'K.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ БАХТ

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Davud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat ALIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi: 133; 134

Navbatchi kotib: J. Sharofboyev
Navbatchi muharrir: G`. Yusupov
Navbatchi: A. Abdiyev
Musahhih: N.Маxамov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 02.00

Буюртма Г — 814

11004 nusxada bosildi

1 2 3 4 5 6 8

МЕН БАХТЛИМАН, БАХТИМ ШУНДАКИ...

Озод ва обод ватан ёшларига аталган ушбу йил менга омад келтирди. Устозларим — Усмон Раҳимов, Шоҳида Мавлонова ва онамнинг изидан бориб ўқитувчи бўлишни дилимга тугиб қўйгандим. Орзуим ушалиб, Жиззах давлат педагогика институтининг педагогика-психология факултетига 176,7 бал билан давлат гранти асосида ўқишга кирдим.

Мамлакатимиз таълим соҳасидаги ислоҳотлардан дил яйрайди. Бу жараённи доим кузатиб бораман. Биргина Жиззах вилоятида ўтган йили 4 та янги мактаб қурилди, 47 таси капитал реконструкция қилинди. Бу билан 41 минг ўқувчининг таълим-тарбия олиш шароити яхшиланди. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига кўра бу йил ҳам 123 та мактабда шундай бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Мен яшаётган Зафаробод туманида ҳам кўплаб ўзгаришлар рўй берди. 24 та мактаб, 3 та коллеж, 2 та боғча, 2 та мактабдан ташқари таълим муассасасида қулай шароитлар яратилган.

Мустақилликни энг олий неъмат, деб биламан. Уни янада мустаҳкамлаш учун биздан ғайрат-шижоат, чуқур билим, уюшқоқлик талаб этилади.

Шаҳноза ҚАЮМОВА,
Жиззах давлат педагогика институтининг 1-босқич талабаси

Интилганга толе ёр!

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети республикамизда ўз нуфузига эга. Ундан ҳар йили минглаб кадрлар «учирма» қилинади. Ҳар йили ўн минглаб абитуриентлар умид билан остона ҳатлайди. Бу йил ҳам мазкур университетга 10.582 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Шундан 575 таси истиқлол тенгдоши бўлган ёшлар. Улар ичидан талаба бўлиш шарафига муяссар бўлганлари 115 нафар. Давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган 45 нафар истиқлол тенгдошлари орасида республика олимпиадаси ғолиби Иззатулла Шоисаев ҳам бор. У Сирдарё вилояти Боёвут туманида таваллуд топган. Тумандаги 1-мактабни шу йил аъло баҳолар билан тугатди.

— Олимпиаданинг республика босқичи одамни ҳаяжонга солиб қўяркан, — дейди Иззатулла. — Чизмачилик бўйича мактабда олган билимлар, устозларимнинг ўргатганлари қўл келди. Шу йўналиш бўйича иккинчи ўринга муносиб кўрилдим. Ниҳоятда хурсанд бўлиб кетдим. Чунки бу имконият менга хоҳлаган олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш имтиёзини берди. Мен техника университетининг иқтисодиёт ва менежмент факултети, дизайн йўналишини танладим.

Барча тенгдошларимни истиқлол байрами билан табриклайман. Ўқишга кира олмай қолганлар кўнгилларини чўктирмасин. Чунки йилдан-йилга имкониятлар кенгайиб бормоқда. Ким нимага интилса, албатта эришади.

Дарҳақиқат, Иззатулла сингари ёшларимиз кўп. Уларнинг ҳар бирида мустақил фикр бор. Ўзлари қизиққан соҳа бўйича билим олишаяпти. Бу эса порлоқ келажакнинг муҳим омиллардан саналади.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Имкониятдан фойдаланиб...

Қорақалпоғистонда ҳам ёшларга бўлган эътибор кучли. Шу боисдан илмга чанқоқ, интилувчан ва шижоатли йигит-қизлар Республикамиз миқёсидаги турли мусобақа ва олимпиадаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Қўнғиротлик Меҳрибон Сейитмуратова ҳам шулар жумласидан. У 1991 йилнинг 12 мартида туғилган. Истиқлолга тенгдош бу қиз тумандаги 34-ўрта мактабда олган билимларини шу йилги Республика олимпиадасида намойиш этиб, Қорақалпоқ тили бўйича биринчи ўринни эгаллади.

— Менга берилган имтиёздан фойдаланиб, Қорақалпоғистон Давлат университетининг Қорақалпоқ тили йўналишини танладим. Мақсадим, янада чуқур билимга эга бўлиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишдир,— деди Меҳрибон.

Ёшларга яратилаётган бундай имкониятлар албатта Мустақиллик шарофати туфайли бўлмоқда.

Улли БОБОЕВ



Ёзги биатлон бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони Руслан НОСИРОВ

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази бош директорининг спорт-техник ва маънаявий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шокарим Шоумаров билан суҳбатимиз чоғи бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Кўпчилик ёшлар ҳарбий бўлишга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ишлашга қизиқади, — деди суҳбатдошимиз. — Бунинг учун эса техникани яхши билиш, жисмонан баркамол бўлиш, қурол-аслаҳалардан хабардорлик талаб этилади.

Биласиз, автомобил спорти, мотоспорт, картинг, радиотехника спорти, моделчилик — буларнинг барчаси техник спорт турларига киради. Улар билан шуғулланган ёшлар кейинчалик тажрибали мутахассис бўлиб етишиши мумкин.

Ўқ отиш, ёзги биатлон, дуатлон, триатлон, ҳарбий-амалий кўпкураш эса спортчининг жисмоний сифатларини ривожлантиради, ирода ва жасорат туйғуларини шакллантиради.

Триатлон мусобақасини кузатгансиз. Унда спортчи дастлаб бир ярим минг метр масофага сузади, сўнгра 40 км.га велосипед пойгасида қатнашиб, кейин узлуксиз равишда баҳсларни югуриш бўйича давом эттиради. Масофа ҳам ҳазилакам эмас, нақд 10 километр...

— Дарҳақиқат, бундай машқларни бажариш қийин.

— Тўғри айтасиз. Баъзан спортчи баҳсларда ўзи иштирок этаяптими ёки машқлар оралиғида биров билан алмашиб олдими деган хаёлга боришингиз табиий. Аммо ҳаммаси кўнгилдагидек. Спортчилар ҳеч ким билан алмашгани йўқ.

— «Ватанпарвар» ташкилоти Ёшлар йилига бағишлаб жойларда турли маънавий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказмоқда. Шу ҳақда ҳам тўхталсангиз...

— Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси ва уларнинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда мактаблар, ўрта-махсус билим юртлари ўқувчилари ва талабалари ўртасида республика миқёсида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари босқичма-босқич ўтказилди, ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича республика биринчилиги ташкил этилди.

Дуатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати Самарқанд шаҳрида, ёзги биатлон бўйича мамлакат кубоги Наманганда, мотокросс бўйича чемпионатнинг учинчи босқичи Жиззахда ўтказилди. Яқинда эса уч кун давомида пойтахтимиздаги замонавий ўқ отиш тирида Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган мусобақада ёшлар ўртасида ғолиблар аниқланди.

Республика мусобақаларининг вилоятларда ўтказилиши натижасида мухлислар қизиқарли баҳсларга гувоҳ бўлишади. Ўғил-қизлар қалбида спортга муҳаббат уйғонади. Бундан ташқари, жойлардаги ёш ҳакамлар тадбирда иштирок этиб, маҳоратини оширади.

— «Ватанпарвар»чилар зиммасига мусобақалар машъаласини тайёрлаш вазифаси юкланган. Ушбу жараён ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Машъала, унинг олов сақлаш қурилмаси ва махсус автомобил жиҳозларини такомиллаштириш устида мунтазам иш олиб борилмоқда. Масалан, машъаланинг ёнилғи қисми 450 граммдан 250 граммга туширилди. Унинг умумий вазни эса 1,85 килодан бир килога тушди. Шамол ва ёмғирга чидамлилиги оширилди. «Ватанпарвар» ташкилотининг спортчи ва ҳайдовчиларидан иборат махсус гуруҳ қуёш нурларидан олинган алангани мусобақа жойига олиб боради.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби мусобақаларга машъалани етказиш ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта воқеликдир. Масалан, бу йил Нукусда ўтган «Баркамол авлод-2008» мусобақасига аланга 1450 км. йўл босиб етказилди. Кўплаб ҳамкорларимиз машъалани мусобақа жойига етказишга ҳисса қўшди. Йўлда бизга минг-минглаб ёшларимиз ҳамроҳлик қилишди. Ҳар бир вилоят ҳудудидан ўтаётганда қадимий қадамжоларни зиёрат қилдик, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди.

Акмал АБДИЕВ

2008 йил — Ёшлар йили

Миллат қаноти

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти учун «Ёшлар йили» давлат дастури ижросини таъминлаш бугуннинг устувор масаласига айланган.

Ифтихор

БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бошқа спорт турлари қаторида модел спорт турлари ҳам жадаллик билан ривожлана бошлади.

Куни кеча кемамоделсозлик бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Чехияда ўтган навбатдаги жаҳон чемпионатидан ёруғ юз билан қайтди.

Дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатларидан кемамодел усталари қатнашган йирик спорт анжуманида ҳамюртимиз, фарғоналик Алишер Мирзаев жаҳон чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритди. Андижонлик халқаро тоифадаги спорт устаси Наил Хакимзянов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи Шавкат Исматиллаев, ёш иқтидорли спортчиларимиздан Марат Хакимзянов эса чемпионатнинг кумуш медалларини қўлга киритишди.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Республика техник ва амалий спорт турлари маркази орқали Халқаро кемамоделсозлик Федерацияси (NAVIGA) таркибига тўлақонли аъзо бўлди. — дейди терма жамоа сардори Шавкат Исматиллаев. — Биз — Ўзбекистон кемамоделсозлик терма жамоаси аъзолари ғалабамизни мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишлаймиз!

Газетамизнинг навбатдаги сони 6 сентябр, шанба куни чиқади.